ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Худойбердиева Гузалой Йўлдош қизи
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.19313075

Аннотация. *Мазкур мақолада инвестицияларнинг, жумладан хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти долзарб эканлиги ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти акс эттирилган. Шунингдек, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларни жалб қилишни ҳозирги кундаги ҳолати ҳамда инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар келтириб ўтилган.*

Калит сўзлар: *хорижий инвестиция, инвестиция лойиҳалари, инфратузилма, инвестиция муҳити, инвестицион сиёсат.*

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юрагидир. Инвестиция билан бирга, турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Инвестиция деганда келгусида бирор даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида қонун доирасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларига инвесторлар(сармоядорлар) томонидан қўйиладаган барча турдаги мулкий, молиявий ва интеллектуал бойликларни тушуниш мумкин. Бошқача айтганда, инвестициялар-мулкчиликнинг ҳар хил кўринишларидаги моддий, молиявий ва номоддий бойликларни иқтисодий-ижтимоий даромад, самара олиш мақсадида муомалага киритишдир.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта аҳамият касб этади. Аввалambор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестицияларнинг ҳажми ошиши учун мамлакатда қулай инвестицион муҳитнинг шаклланган бўлиши талаб қилинади. Мамлакат иқтисодиётида инвесторлар учун қанчалик қулай ишбилармонлик муҳити яратилса, хорижий инвестициялар оқимининг иқтисодиётга кириб келиш ҳажми ошиб боради ҳамда чет эллик инвесторларнинг ҳам мамлакат иқтисодиётига сармоя киритишга бўлган қизиқиши ва ишончи ортади. Хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш асосида мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланишига эришиш мумкин.

Ушбу мақоланинг илмий-назарий асоси сифатида иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг инвестиция фаолияти, мамлакат ҳудудларига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича изланишлари, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни кузатиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, индукция, дедукция ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

Биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техника ва технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади.

Иккинчидан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтириш орқали пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш имкониятларини оширади.

Тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва улар техник жиҳатдан қайта қуролланади.

Бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Ҳудудларга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръатини оладиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Бухоро вилояти, Тошкент вилояти, Андижон вилоятида анча юқори эканлиги ва бунга инвестицион муҳитнинг қулай эканлиги сабабдан эришганлигини кўришимиз мумкин. Нисбатан камроқ ўсиш суръатига эришган ҳудудларга Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасини киритиш мумкин.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг

ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгариш ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Албатта, жаҳон иқтисодиётида нобарқарорлик ҳамда глобал пандемия шароитида Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион сиёсат билан, унинг кафолатланганлиги ва хавфсизлиги таъминланганлиги ва ҳукумат томонидан ўз вақтида ва самарали қабул қилинган инқирозга қарши чора-тадбирлар билан асосланади.

Мамлакатимизда ҳукумат томонидан ушбу жараённи ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, инвестиция фаолиятини ҳуқуқи асослари такомиллаштириш мақсадларида қатор қонун ҳужжатларига ва бошқа ҳуқуқий нормаларга жиддий ўзгаришлар киритилди. Бунинг натижасида миллий инвесторлар ва хориждан жалб қилинадиган инвесторлар учун берилаётган кафолатлар тизими янада мустаҳкамланди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада фаоллаштиришда ва янги даражага олиб чиқишга доир қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- инфляция даражасини инвестицион лойиҳалар қиймат ўсишига таъсирини камайтириш, шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш;
- инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига, яъни хомашёни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш;
- чет эл инвесторларига янада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини инвесторлар учун ҳам соддалаштириш;
- узоқ муддатли, паст фоизли тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурсларини жалб этиш ишларини кучайтириш учун қулай ва жозибадор инвестицион муҳитни яратиш лозим;
- хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда хорижий инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи дастурлар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги таклифларни амалиётда жорий этиш миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этишни янада фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Президентимиз 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563-сон қарорни имзолади. Бунинг натижасидада ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш келгусида мамлакатимизда инвестицион сиёсатни тўлиқ амалга ошириш имкониятини яратилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни;
2. Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. “O’ZIA” - “ЭВУ” 1/2012.
3. G’ozibekov D. G’. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. - T.: “Moliya”, 2003. - B. - 23.
4. Стахова Л.В. Управление инвестициями-М., 2001. С-356.
5. Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьяновлар А.М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: ИНФРА-М, 2006. - 243с.
6. Qosimov M.S. Investitsiya loyihalari tahlili. Darslik. -T: “ Innovatsion rivojlanish nashiriyot matbaa-uyi” – 2021. -B. 65-67.